
МАСЖИДЛАРДА ЖАМОАТ НАМОЗЛАРИ АДО ЭТИЛМОҚДА

Карантин чекловлари юмшатилиши натижасида - 17 августдан юртимиздаги жоме масжидларда мўмин-муслмонлар жамоат намозини адо этишни бошлади.

Фарғона туманидаги 15 та жоме масжидда ҳам юртдошларимиз белгиланган санитария қоидаларига риоя этган ҳолда ибодат амалларини адо этмоқда. Бунда масжидларга кириш эшиклари олдида дезинфекция йўлаклари ташкил этилиб, анисептик воситалар билан таъминланди. Бинога кираётганлар ҳарорати ўлчанмоқда.

Туман бош имом хатиби Раҳимжон Сотқиналиев таъкидлашича улар ҳар бир номозларида жамоат билан биргаликда юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик сўрадилар. Аҳолини белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ибодатларни бажаришга даъват этдилар.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-18 16:27:07